

Тарих китобларида Ислом оламининг хукмдори Хазрати Умарнинг (розияллоху анху) Куддус шахрига кириб боришлари шундай тасвирланган: “Куддусликлар халифангиз келсагина шахарни сизларга топширамиз, дейишади. Хазрати Умар бир туя, бир хизматкор билан Мадинадан Куддусга равона бўладилар.

Адолатли Умар (розияллоху анху) ва хизматкор навбати билан туяга миниб боришади. Улар куддусга якинлашганларида шахар ахли “халифа келяпти” деб шахар дарвозаси калитларини топшириш учун унинг истикболига чикади. Шу пайтда туяга миниш навбати хизматкорда эди. У туяда, халифа эса пиёда туяни етаклаб кетаётир. Бир жойда халифа Умар сувдан кечиб ўтиш учун почаларини шимариб олади. Энди бир тасаввур килиб кўринг: Ислом давлатининг бош рахбари яланг оёк, бош яланг, почалари шимарилган холда Ислом кўшинларига мағлуб бўлган шахарга кириб бораётир. Куддусни камал килган Ислом кўшинларининг бош кўмондони бу манзарадан хижолат бўлиб, халифага таъна килди: “Эй Умар, айб бўлади, биз бу холдан уяламиз”. Хазрати Умар шунда унинг кўксига бармоқларини никтаб: “Кўзимдан йўкол, агар шу сўзингни олдинрок айтганингда вазифангдан олиб ташлардим. Иззат – Исломдадир, килик-киёфатда эмасдир!” дедилар.

Хазрати Умар шахарга киргач, Куддус ва Лудда насронийлари билан имзолаган омонлик ахдномасига (хавфсизлик декларациясига) мувофик шахардаги черковлар бузиб ташланмаслиги, мусулмонлар насронийларнинг ибодатхоналарини босиб олмасликлари, уларда ўз ибодатларини ва сигинишларини амалга оширмасликлари кафолатлаб берди ва бу ахдномага ўзи содик колди”.